МУҲИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Пўлатов Сайёдбек Ҳасанович
Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчи

Annotatsiya: Мақолада Ибн ал-Арабий диний-фалсафий, тасаввуфий қарашлари ўз моҳияти билан диний ирфоний ва ахлоқий фалсафий таълимот эканлиги, Аллоҳ, Олам, Инсон тўғрисидаги онтологик масалалар Ибн ал-Арабий таълимотидаги бош муаммо, ғоя сифатида қабул қилингани, унинг фалсафий моҳияти, у Аллоҳни ва унинг яратиқларини англашда рационал тафаккур билан бир қаторда иррационалистик тамоилларни ишлаб чиққанлиги ёритилади.

Калит сўзлар: Сўфий, ғоя, тасаввуф, ал-Арабий, фалсафа, Аллоҳ, инсон, ваҳдат ул-вужуд, ислом, олам, диний.

Юртимизда “хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган ташқи сиёсат” стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди[1,B.1-2]. Бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда.

Сўфий аҳли намоёндалари бу дунёдан, борлиқдан бутунлай воз кечган эмаслар, балки Ибн ал-Арабий каби буюк мутасаввифлар одамларни Аллоҳни севишга, адолатли бўлишга, руҳан ҳалол-пок ҳаётда фаолликка, меҳнат қилишга, ҳурфикрликка, тенгликка, илм-фанни, ислом динининг моҳиятини тарғиб қилишга даъват этганлар.

Ибн ал-Арабий диний-фалсафий, тасаввуфий қарашлари ўз моҳияти билан диний ирфоний ва ахлоқий фалсафий таълимотдир. Аллоҳ, Олам, Инсон тўғрисидаги онтологик масалалар Ибн ал-Арабий таълимотидаги бош ғоя сифатида қабул қилингани унинг фалсафий моҳиятини белгилайди.

Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий фалсафий қарашларига ҳозирги мавжуд адабиётларда берилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин: Улуғ шайх қалби ва ғоясининг асосини Аллоҳ, Унинг нури, моҳиятини англаш ва Унга етишиш учун интилиш, Аллоҳдан бошқа, Ундан ташқари ҳеч нарса йўқ, барча нарсаларнинг моҳияти Аллоҳдадир, деган таълимот ташкил қилади.

Ибн ал-Арабий илмий услубини рационализм (ақлга мувофиқлик) ҳамда сҳоластикага нисбатан илоҳий, интуитив ботиний (важдий) билимни узвий равишда боғлаб талқин этиш ташкил этади. Алломанинг тадқиқот

услубиётининг асосини Қуръон, суннани аллегорик (мажозий) тадқиқ этиш қамровлилиги ва яхлитлик (синкретизм) ташкил қилади.

Улуғ шайх Қуръони каримдаги рамзлар ва оятлардан фойдаланиб манзиллар томон илоҳий йўлнинг ҳолатлари, сўфиёна авлиёлик даражалари, унинг қутблари, пайғамбарлик ва авлиёлик муносабатлари ва бошқа масалалар юзасидан сўфиёна тасаввурларни тартибга солди ва тўлдирди.

Мақолада муҳим масала Ибн ал-Арабий “вахдат ул-вужуд” ғоясининг пантеизм эмаслигини тадқиқ қилиш бўлди. Ҳолбуки, пантеизм билан ваҳдат ул-вужуднинг ўхшаш томонлари бўлса-да, аслида бир-биридан батамом ўзгача тизимлардир. Бу ҳақда бир қанча шарқшунос олимлар, яъни И.Ф.Эртуғрул, Фарид Кам, А.А.Кўнуқ кабилар ўз асарларида фикр билдирган- лар. Ибн ал-Арабийнинг ваҳдат ул-вужуд таълимоти исломий ваҳдоният дини бўлиб, ҳақиқий тавҳиддан иборатдир. Пантеизмда Аллоҳ билан ашё бир деб қабул қилинса, ваҳдат ул-вужудда бундай эмас, балки зот жиҳатидан Аллоҳнинг ҳамма нарсадан алоҳида ва ягона борлиқ экани, мосивонинг эса Унинг исм ва сифатларининг тажаллиларидан иборат бўлиб, зотий борлиқлари йўқлиги илгари сурилган. Мосивонинг борлиғи йўқ экан, “ҳулул (эврилиш) ва “иттиҳод” (бирлашиш)дан сўз очишнинг ҳожати йўқ. Буларнинг бўлиши учун бирдан ортиқ борлиқ бўлиши керак. Пантеизм исломдаги “ваҳдат ул-мавжуд”, “вужудия”, “вужудийлик” таъбирларига тўғри келади.

Ибн ал-Арабийнинг – “Олам, борлиқ, жумладан, одам ҳам ўша ягона- нинг, ваҳдат ул-вужуднинг ташқи, зоҳирий томони, Аллоҳ эса, ички-ботиний томонидир. Аллоҳ ҳар қандай сифатлардан мутлақ озод-эркин, У фақат бутун коинотнинг борлиғи, Яратувчи борлиқнинг моҳиятидир, барча нарсалар Аллоҳ онгида мавжуд бўлади, ундан келиб чиқади ва унга қайтиб боради” деган идеалистик формуласи “ваҳдат ул-вужуд”нинг моҳиятини очиб берди.

Нақшбандийлик тариқатининг кўзга кўринган мутасаввиф олимлари ўзини ғоявий, анъанавий жиҳатдан Ибн ал-Арабийга тегишли эканининг белгиси сифатида, ўз исмларига “ал-Акбари”, “Актарий” каби фахрий номларни қўшиб айтиб келишган [2,B.122].

Тадқиқотчиларнинг, “Ибн ал-Арабий беш асрлик тасаввуф анъаналарини жамлади, таҳлил қилди ва системалаштирди” [3,B.263], деган фикрларига қўшилмасдан бўлмайди. Бугун ҳам мусулмон диний-ирфоний олами маданиятида Улуғ шайх асарларида ўз аксини топа олмаган бирор бир йўналишни, оқимни топиш мушкул. Айниқса (“Футуҳот ал-Маккия”) номли йирик асари кўп тармоқли бўлиб, шеъриятни ҳам, грамматикани ҳам, математика ва ўша даврнинг табиий илмий қарашларини ҳам қамраб олган.

Ибн ал-Арабийнинг қуйидаги қарашлари бугунги ижтимоий диний-сиёсий муҳитни, моҳиятини тушуниш ва хулосалар чиқариш учун ҳам аҳамиятлидир. У

эътиқод эркинлигини оқлаб чиқди, унинг учун дин шаклининг аҳамияти йўқ. Масжидда ҳам, черковда ҳам, монастирда ҳам, яҳудий синагогисида ҳам, оташпарастлар тўпланадиган идол қаршисида ҳам ибодат қилиш мумкин, агар сажда қилгувчи Яратганга мурожаат қилаётганлигига ишонса бас, “Аллоҳга ибодат қилувчи Уни (худони) нур кўринишида тасаввур қилади”, тирик маҳлуқни худо деб эътиқод қилган киши уни тирик мавжудот деб билади, - деб ёзади Ибн ал-Арабий – Уни жонсиз нарсада кўрса, жонсиз нарса сифатида эъзозлайди. Фақат қайсидир битта эътиқодгагина эргашиш керак эмас, чунки шу сабабли бошқа нарсаларга ишонч йўқолади. Ҳамма жойда нозир ва қодир Аллоҳ фақат битта эътиқод билан қаноатланмайди. Қуръонда айтилишича, қаёққа қарасанг ҳам Аллоҳнинг тажаллисини кўрасан. Ҳар ким ўзи ишонганга ибодат қилади, унинг худоси унинг шахсий табиатида мавжуд ва Унга ибодат қилаётганда у ўзини-ўзи олқишлайди”. “Тотувлик ва бағрикенгликнинг ирфоний идеали” [4,B.166]ни мисол келтирмоқчи бўлсак, албатта, Ибн ал-Арабийнинг қуйидаги байтларини тилга оламиз (насрий баён): “Менинг қалбим турли шаклларга қодирдир: роҳибнинг савмааси, бутпарастнинг бутхонаси, зоҳидларнинг Каъбаси, Таврот ва Қуръон саҳифасидир. Ишқ менинг иймон ва эътиқодимдир: унинг туялари қаерга юзланмасин, менинг эътиқод ва иймоним яна ўша ишқ бўлиб қолаверади”.

Унинг бой мероси кўп сонли мухлисларига асрлар давомида фалсафий, фалсафий-диний, оккультизм билимларини олиши учун манбага айланди. Унинг тасаввуфий қарашлари ижтимоий, маънавий-мафкуравий хусусияти билан диний ва этник бағрикенгликни ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилои Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ йсўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

2. Кньш А.Д. Учение ибн Араби в поздней мусульманской традиции. – Москва, 1986.

3. Schimmel A. Mystical Dimensions of Islam. North Carolina, 1975. – P. 263.

4. Жаъфар Ҳолмўминов. Румий ва Ибн ал-Арабий қарашларида динлар ва мазҳабларо муносабатлар. Илмий маърифий журнал “Сино” 2009 йил, Теҳрон.